МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ

Назокат Давронбековна Хожиева
Тошкент ахборот технологиялари университети
khadjevanazokat@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда кластер тизимидан фойдаланиш, унинг ҳозирги ҳолати ,ривожланиши бўйича илмий янгиликлари, илмий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: Кластер, кластерли ёндашуви, миллий иктисодиёт, инновацион жараёнлар, ракобат, саноат.

CLUSTER APPROACH TO INCREASING THE COMPETITIVENESS OF THE NATIONAL ECONOMY

Nazokat Davronbekovna Khojiyeva
Tashkent University of Information Technologies
khadjevanazokat@gmail.com

ABSTRACT

This article presents the use of cluster system in improving the competitiveness of the national economy, its current state, scientific innovations in development, scientific proposals and recommendations.

Keywords: Cluster, cluster approach, national economy, innovative processes, competition, industry.

КИРИШ

Хозирги кунда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш,иқтисодий жиҳатдан тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам асосий вазифалардан бири хисобланади. Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий цивилизациясига назар ташлайдиган бўлсак, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичи муаммоларсиз ва иқтисодий тебранишларсиз юз бермаган. Шу маънода хориж мамлакатлари тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва миллий иктисодиётимизининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда илғор тажрибалардан унумли фойдаланиш

муҳим аҳамиятга эгадир.Шу сабабдан, иқтисодий ўсишни таъминлаш, ишлаб чиқариш омилларидан янада самарали фойдаланишни ташкил этишда жаҳон мамлакатлари ривожланиши ва бошқарувининг инновацион методларидан кенг фойдаланилмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида кенг қўлланиладиган иқтисодий ривожланиш усулларидан бири бу – кластерли ёндашувдир. Кластер сўзи бугунги кунда фаннинг турли хил соҳаларида кенг қўлланилади. «Кластер» атамаси французча сўздан олинган булиб, ўзбекча таржимаси «боғлам», «гуруҳ», «тўпланиш» маъноларини беради. Иқтисодиётда эса кластер деганда аввало, ҳудудий жиҳатдан яқин бўлган ҳамда функционал жиҳатдан бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган турли хил субектлар, яъни ташкилотлар, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари, илмий-тадқиқот ва таълим масканларининг бирлашмаси тушунилади. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг кластерли ёндашуви янгича бошқарув технологияси бўлиб, ушбу ёндашув нафақат алоҳида ҳудуд ёки тармоқ, балки бутун мамлакат рақобатбардошлигини ошириш имкониятини беради.

Кластер назарияси XIX асрда дастлаб немис иқтисодчиси Иоган Генрих фон Тюнен ва унинг издошлари В.Лаунхард ҳамда А.Веберлар томонидан илгари сурилган. А.Маршалл ўзининг«Иқтисодиёт принциплари» номли асарида (1890) ихтисослашган тармоқ-соҳаларнинг алоҳида ҳудудларда уйғунлашиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳисобланади. Иқтисодиёт назариясига бизнес кластери тушунчаси биринчи бўлиб Майкл Портер томонидан киритилган. Портернинг назариясига кўра, кластер – бир вақтнинг ўзида ўзаро рақобатлашувчи, аммо шу билан бирга ҳамкорликда ишловчи, географик жиҳатдан бир ерга тўпланган, ўзаро бир-бирига боғлиқ компаниялар, ихтисослашган етказиб берувчилар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, маълум тармоқлардаги фирмалар ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ташкилотларнинг бирлашган гуруҳидир деб таъриф берилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мақоланинг назарий ва методологик асоси бўлиб, кластер назарияси бўйича етакчи мутахассисларнинг илмий ишлари,чет эл олимларидан Андерсена Т., Бреши С., Друкера П., Кастельса М., Кетельса К., Канари Э., Кимура Ю., Кругмана П., Кутсуна К., Кучики А., Люндвала Б., Марша Р.М., Менша Г., Мейер Т., Мигари У., Портера М., Прахалада К., Солвела О., Уайта Г., Фримана К., Харрисона С., Хендерсона Дж., Хильгерса Д., Шумпетера Й— илмий ишларида кенг ёритиб утилган.

Инновацион кластерларни ривожлантиришнинг замонавий муаммоларини урганишда рус олимларидан Газеева А.В., Галкина М.А., Герасимова А.В., Глазьева С.Ю., Горецкого В.В., Городничей Е.И., Дынкина А.А., Захаровой Н.В., Ивановой Н.И., Кириллова В.Н., Кондратьева В.Б., Кокуйцевой Т.В., Кузыка Б.Н., Ленчук 6 Е.Б., Масленникова Н.А., Матюшок В.М., Михайлова А.С., Пичейкина М.В., Салминой О.А., Сальимьяновой И.Г., Смирнова Е.Н., Снаплян О.О., Солахова П.А., Федотовой Е.И., Фиякселя Э.А., Хватовой Т.Ю., Чекулиной Т.А., Черенкова В.В., Чурсина А.А., Шелюбской Н., Юрина С.В., Якушкина В.С. ва бошқалар томонидан ҳам ўрганилиб, амалиётга татбиқ этиш бўйича уз хиссаларинии кушишган. Ўзбекистон олимларидан Б.Ш. Усмонов, О. Раджабов ,Ф.Х. Рахимов, Т.С Расулов ва бошқаларнинг асарларида тадқиқ этилган.

НАТИЖАЛАР

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган интеграция жараёни унинг глобаллашувига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу бир томондан қўшимча қиймат яратишнинг трансмиллий «занжирини» кўзда тутган ҳолда, иккинчи томондан ишлаб чиқариш соҳасида ҳам рақобатни кучайтирмоқда. Глобаллашиш асосида логистика ва махсулот етказиб бериш ҳамда хизматлар сифатини оширган холда, стандартлаштиришни таъминловчи умумжаҳон коммуникация тизими ҳам ривожланиб бормоқда. Қолаверса, аҳоли сони тобора ошиб бориши иш билан таъминлаш, аҳолига ишлаш учун қулай шарт-шароитлар яратишни тақозо этмокда. Интеграциялашувнинг кичик даражаси мамлакатлар иқтисодиётида янги хўжалик юритиш тизимини шакллантириш йўли ҳисобланиб, ўзаро маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва географик яқин бўлган корхона ва ташкилотларни ўз ичига олган «Кластер»лар яратишдир.

МУҲОКАМА

Кластерларни шакллантиришдан мақсад — шаҳар, туман ва вилоят ичида жойлашган бир хил соҳа корхоналарини ва улар билан ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, инженеринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш — инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар яратишга йўналтиришдан иборатдир. Бунда аҳолини иш билан таъминлашдек муҳим жиҳат ҳам ўзини намоён этади. Кластер усули бу саноат. минтака ва умуман мамлакат иктисодиётининг ракобатбардошлигини такомиллаштирадиган янги бошкарув технология-сидир.Шундай килиб, кластер бир-бири билан географик

асосида узаро алокада булган ва уз фаолиятини маълум бир сохада ташкил этадиган ташкилотлар ва компанияларни бирлаштиради.

Иқтисодиёт кластерларнинг асосан уч хил ёндашув мавжуд:

- унча катта бўлмаган ҳудудда йирик корхона ёки компания атрофида жамланган хўжалик субъектлари;
- тадқиқотдан то заҳиралар таъминоти, савдо ва ундан кейинги хизмат кўрсатишгача тўла-тўкис қамраб олинган, ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини бирлаштирган, маълум маҳсулот яратишда қатнашувчи корхона ва ташкилотларнинг вертикал технологик тизимидаги жамланмаси;
- соҳа кластери.

Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари турли тармоқларида кластерлар фаолияти йўлга қўйилган. Масалан, Россия Федерациясида тегишли давлат тузилмалари 2011 йилда ҳукумат топшириғига кўра жамоавий уйғунлашув асосида ҳудудий инновацион кластерларни ривожлантириш дастурига киритиш учун лойиҳаларнинг икки босқичли танловини ўтказилган. Давлат ва хўжалик органлари, етакчи фан ва олий таълим муассасалари ҳамда бизнес жамоатчилигининг 100 дан ортиқ мутахассисларини жамлаган махсус ишчи гуруҳ лойиҳаларни саралашга жалб этилган. Натижада давлат томонидан қўллаб-қувватланган, жаҳонда рақобатбардош, ўзида илмий-тадқиқот ва таълим салоҳиятини мужассамлаштирган, ишлаб чиқариш самарадорлиги юқорилиги билан ажралиб турадиган, мулкчилик туридан қатъий назар соҳадош кичик корхоналарнинг кооперациялашувини таъминлаган (биринчи босқичда 37 та, иккинчи босқичда 25 та) ҳудудий кластер лойиҳаларини жорий этилишига эришиб, ҳудудларнинг тезкор юксалишига замин яратган.

Мамлакатимизда кластерлар билан боғлиқ илмий изланишлар бошланиши 2000 йилларга тўғри келади, бу борадаги илмий-амалий ишлар эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегиясида” демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш асосида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш борасида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар олиб бориш билан бошланди. Мазкур жараёнлар билан боғлиқ технополис, технопарк, кластер каби қатор тушунчалар турмуш тарзимизга кириб келди. Бугунги кунда Президентимизнинг элни фаравон, халқни бой қилувчи инновацион ғояларидан бири — Кластер тизими мамлакатимизда кенг жорий этилмоқда ва бу тизимни юртимизда ривожланиш ва уз урнини топиб

кетиши учун барча шарт-шароитлар яратилмокда.

Иқтисодиётни инновацион тараққий эттиришда, айниқса, иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада фойда бера олмаётган ҳозирги даврда, Кластер назариясини амалиётга татбиқ этиш энг мақбул йўл ҳисобланади. Кластерлаштиришни корхоналар инновацион фаолиятини тезлаштириш асосида рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг глобал рақобатнинг кучли таъсирига қарши туришдаги миллий ва минтақавий ривожланиш талабларига тўла жавоб берадиган янги иқтисодий тизим деб ҳам қараш мумкин.

Кластернинг шаклланишида давлатнинг роли муҳим ўрин тутади. Агар дастлаб кластерлар фақат бозорнинг кўринмас қўли яъни, рақобат туфайли, аввало, трансмиллий компанияларни замонавийлаштиришда ташкил этилган бўлса, кейинги вақтда кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматлари бу жараёнга сезиларли даражада таъсир этгани ҳолда уларга ёрдам бермоқдалар. Кластер стратегияси жозибадорлиги, йўналишларнинг турли-туманлиги боис ҳам, иннавацион кластерларни давлатнинг ўзи шакллатиришини тақозо этмоқда.

Жадал суръатларда ривожланиб бораётган Ўзбекистон учун ҳам иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жалб қилиш, инновацион фаолиятни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири саналади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 14-15- май кунлари Пекин шаҳрида бўлиб ўтган «Бир макон, бир йўл» форумидаги иштироки вақтида сўзлаган нутқида алоҳида тўхталиб ўтди ва «Бизнинг умумий мақсадимиз «Ипак йўли иқтисодий минтақаси» линияси бўйича бирлашган саноат технопарклари, илмийинновацион кластерлар ва эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш бўлиши керак, деб ҳисоблайман», дея қайд этди. Бу ўринда эса, инновацион кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича катта тажрибага эга бўлган ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади, деб айтиш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса килиб айтганда, Ватанимизни дунёнинг илғор давлатлари қаторидан жой олишининг йўли — бу иктисодий соҳаларда, илм-фанда, таълим тизимида ва бошқа соҳаларда кластер тизимларининг жорий этилиши ҳисобланади. Ривожланган давлатларнинг тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда, инвестицион фаолликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда

кластерларнинг, халқаро логистик марказларининг, эркин иқтисодий зоналарининг ўрни ва ахмияти жуда юқори.

Ҳар қандай мамлакат, ҳудуд ёки вилоят иқтисодиётининг рақобатбардошлиги, энг аввало, ишлаб чиқараётган товарларни маҳаллий ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги, яъни харидоргирлиги орқали аниқланади. Мамлакатнинг таълим тизимидаги ислоҳотлар ва барча илмий, маънавий-маърифий ривожланишларнинг якуний кўрсаткичи ҳам товарлар ва хизматларимизнинг замонавий бозорларда рақобатбардошлигининг таъминланиши билан баҳоланади. Хулоса қилиб айтганда, кластерлар инновацион, рақобатбардош ва самарали иқтисодиётнинг шакллантирилиши замонавий иқтисодий воситачиси, яратилган тайёр маҳсулотларнинг истеъмолчигача етиб боришини,ишлаб чиқариш кучларининг юксалишини, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишини, соғлом ракобат ва ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда самарадорликни таъминловчи тизим дейиш мумкин.

Бунинг учун энг муҳим бўлган масалалар қуйидагилар, дейишимиз мумкин:

таълим тизимида инновацион ишланмалар ҳажмини янада ошириш;

- инновацион ғоялар ва салохиятли star-up ларни қўллаб-қувватлаш;

-замонавий ва жаҳон талабларига мос маҳсулот яратиш учун инновацион технологияларидан унумли фойдаланиш;

- кластер тизимининг қулайлиги ва унинг имкониятларидан тулик фойдаланган холда, юртимизнинг барча худудларида инновацион марказларни ва IT паркларни очиш ва мавжудларидан самарали фойдаланиш

REFERENCES

1. Porter M. Clusters and the new economics of competition. // Harvard Business Review. Nov/Dec, 1998, vol.76, issue 6. -P. 77
2. Цихан Т.В. Кластерная теория экономического развития. // «Теория и практика управления», 2003, № 5.
3. Б.Ш. Усмонов, О. Раджабов. Изучение опыта развития и управление
4. инновациями в кластерах. Т.: Fan va texnologiya, 2017 г
5. М.А. Рахматов, Б.З. Зарипов. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Рисола. Т.: “Zamin Nashr”, 2018.
6. www.stat.uz